84
П.88

Абдусамат Гулбоев

# ҚАЛБИМ НАВОЛАРИ



Муаллифдан совға.
Тел: 995120448.

84
Г-26

-2372-

**Абдусамат Гулбоев**

# *Қалбим наволари*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

**Тошкент – 2018 йил**

КБК: 84(5Ў)7
П.88

**Абдусамат Гулбоев**

## “Қалбим наволари”

А.Гулбоев “Қалбим наволари”.
Оммавий нашр. Тошкент “Наврўз” нашриёти.
2018 йил.

Абдусамат Гулбоев 35 йил мактаб ўқувчиларига “Ўзбек тили ва адабиёти” фанидан дарс берди. У ёшларга таълим ва тарбия бериш билан бирга назмда қалам тебратиб турарди. У нафақага чиққач, ёзган шеърларини тўплаб, вилоят ёзувчилар уюшмаси раҳбари Маҳмуд Тоирга кўрсатди. Устози кўрсатмаси билан айрим шеърларини қайта ишлаб, нашрга тайёрлади.

Сиз ҳам ушбу тўпламни ўқиб чиқсангиз, мусиқа асбоблари устоз ижросида одамларга қандай ҳузур бағишлаган бўлса, тўпламдаги ҳар бир шеъри ҳаёт навосида сизга ҳузур бағишлайди.

I. ISBN 9789943-4640-7-0

Абдусамат Гулбоев
“Камалак”-2018 йил





## Иккинчи истеъдод

Абдусамат Гулбоевнинг иккинчи шеърлар тўплами “Қалбим наволари” билан танишар эканман, филолог ўз ижодида кескин ўзгаришлар даврини бошлаб юборганлигини кўрдим. У жуда ёшлик йилларида ёзган шеърларини қайта ишлаб, замон ва даврга мослаштирилгани яққол кўзга ташланиб турибди. Ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб, дадил олға қадам ташлаётган Абдусамат Гулбоев шеърият оламида дадил одимлаётгани шундайгина кўзга ташланиб турибди. У шеърларини шунчалик эрмак учун эмас, тарбиявий ва фалсафий ғояга эга бўлиши учун “қора тер”га ботиб меҳнат қилмоқда. Унинг ҳар бир шеъри китобхондан табиатни асрашни ва она Ватан ишқи нақадар улуғ неъмат эканлигини қайта-қайта уқтиради.

Мен Абдусамат Гулбоевнинг кексалик гаштини суриб, шеърият оламига дадил кириб келаётганлиги билан табриклайман.

Интилганга толе ёр.

**Яхё Тоға,**
Ўзбекистон ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.

## Баҳор келдими?

Тоғдан бош кўтариб, энтикиб саҳар,
Салом берар бу кун қуёш ўлкамга.
Чиройига мафтун биллур булоқлар,
Поёндоз тўшалган бунда кўкламга...
Айтинг-чи, юртимга баҳор келдими?

Тошлардан тошларга урилиб оқар-
Тоғлардан йўл олган митти жилғалар,
Гоҳо жала қуяр, гоҳ қуёш кулар,
Гоҳо булутларни олов қамчилар...
Айтинг-чи, юртимга баҳор келдими?

Гуриллаб ёнмоқда ана қир томон,
Чайқалар... мавжланар сирли аланга....
Бу қизил денгизда бир вақт сузганман,
Энди қучоқ отар ёшу яланглар....
Айтинг-чи, юртимга баҳор келдими?

Хўрсина... хўрсина тонг оттирган ким,
Юлдузлар саноғин ололмайин ҳеч...
Ширин орзулардан энтикканлар жим,
Висол оғушида сарҳушдир бу кеч...
Айтинг-чи, юртимга баҳор келдими?

Ўғринча бир қараб кўйиса ёрига,
Сулув келинчакнинг юзлари ол ранг...
Бешик тўйларини бошлаб борига,
Моможонлар суяр кенжасин, қаранг...
Айтинг-чи, юртимга баҳор келдими?





Биргина кунингни бағишла, баҳор,
Очиб қўяй, киргил дилимга секин.
Билсанг, бунда фақат сен учун жой бор,
Унут дунёни..., кел... бир зумга бекин!
Айтинг-чи, юртимга баҳор келдими?

Сен бунда шундайин бир чаман ярат,
Орзу қилмай қўяй боғи эрамни,
Булбул эмас, жаннат қушларин сайрат,
Топсин десанг дил, бир ажиб оромни!
Келганинг чин бўлсин юртимга баҳор!..



## Бойчечак

Билдим, бешигингни ясаб берган тоғ,
Шиддатли шамоллар аллалар сени.
Қорни тўшак қилдинг, ором олар чоғ,
Юлдузлар қўриқлар сенинг тинчингни.

Бардошингдан лолдир, қахратон аёз,
Оқаётир эриб пойингдаги муз!
Талпиниб зиёга хеч бир тинимсиз,
Ниҳоят чиқдинг-у қуёшга пешвоз!

Четга олиб ўзин харсанг тошлар ҳам,
Сенинг чиройингни қилар томоша,
Гул сайрига чиққан қалам қошлар ҳам,
Соғиниб ёнингга келар қир оша.

Суйиб... эркалаблар сендай чечакни,
Бағри тўлиб қолди шу тошу тоғнинг.
Бир зумга унутиб шундай хуш чоқни,
Эркаси бўлсанг-чи, дилдаги боғнинг.

Сен ахир элчисан гўзал баҳорга,
Сўйлаб бер, сўрашса фақат у хақда.
Бир эртак сўйлагин-нур тўлсин қалбга,
Ортингдан эргашиб, хаёт келмоқда!...







## Лолақизғалдоқ

Қуёш парчаланиб ерга тушгандай,
Қир-у адирларда ёниб ётар ўт.
Чайқалар шамолда қизил денгиздай,-
Лолақизғалдоқлар.... хоҳла, сузиб ўт.

Хоҳласанг бағрингга сиққанича бос,
Хоҳласанг ... сўйлагин, сирларингни айт.
Боладай беғубор софдирки, бехос-
Озор бермасанг бас, сайр қилар пайт!

Билсанг, шунчалар у гўзал-ки, ҳур-ки,
Олган озорлари яралар кўксин,
Қоп-қора доғлари шундандир, балки,
Қулоқ сол, майли дардларин тўксин!

Йўқ аҳир, барибир, бундайин чирой,
Оташин ҳислардан яралган чаман.
Ишқдан маст кезади кечаси ул ой-
Қошларин керганча юлдузлар томон.

Чайқалиб ётган шу сирли тўлқинга,
Тутиб туролмайин отдим-ку ўзим...
Кўксимни тутганча олов-ёлқинга,
Ётавердим мен ҳам чирт юмиб кўзим!

Юз-у кўзларимга урилар барги,
Силаб сийпалайман суйиб жон қадар...
Бошим айлантирар нафис ифори,
Ўзи-чи тинчгина кўксимда ухлар!...

## Парвона

Кеча бу гулларга эш эди чирой,
Сарҳуш чайқаларди ранго ранг тусда.
Бугун-чи, бахтдан маст ҳидлайсан, эй ой,
Қучоғингда гўзал, сархил гулдаста.

Ял-ял ёнар ана гулнинг ёноги,
Бағрингда беозор ёяр баргларин.
Шу ер энди унинг сирли ётоги,
Сўйлаб беришга шай қувонч, гамларин.

Сендайин сулувга ошиқдир ахир,
Очилган турфа хил гулларнингг бари.
Бундайин гўзаллик кимда ҳам бордир,
Сен ўзинг қизларнинг пари-пайкари.

Майли, дўсту душман бариси билсин,
Очилиб, сочилгин боссам бағримга.
Сендайин гўзалдан жоним ўргилсин,
Борлигинг чин бўлсин менинг бахтимга.

Кўксимга бош қўйган чоғингда, сочинг,
Денгиз тўлқинидай мавжланар - ана.
Руҳим учгудайин мисоли лочин,
Озор етмасин деб халак, парвона!...





## Топганим сен эдинг...

Кўзим очирмайди минг турли сўроқ,
Барибир, келмассан бағримга санам!...
Бунчалар шафқатсиз бўлмасанг, фироқ,
Элчиларинг-чи - дард.. айрилиқ.. алам!...

Яшайман тўр солиб энди ўтмишга,
Ширин онларимиз илинса зора-...
Парво қилмай қўйдим ёзу на қишга,
Ҳис қилмас дунёни, дилда бор яра!

Қаддимни букмоқда танҳолик юки,
Хаёлларим тунни кунларга улар.
Юлдузлар кўзларин юммайди, токи-
Сени топмагунча, кезар... ахтарар!

Узун сочларингни тараб чиқар ел,
Кўзинг илингандан тонггача гоҳо.
Билмассан, дунёни босиб кетса сел,
Билмассан, олганим сени паноҳга!...

Майли, яшайвергин ўзингча, қани,
Сенинг борлигингни билиб турсам, бас!
Бу дунёда сендир- менинг топганим,
Йўқотганим... эса, тирик жон билмас!...

## Яна баҳор келди....

Яна баҳор келди... Сен эса шу чоқ,
Оромингни олурсан қай бир гўшада.
Мен эмас, ўзгалар очгандир қучоқ,
Ҳис-туйғулар ўзга... ўзга-гўшанга!

Яна баҳор келди... Деразангдан боқ,
Қалдирғочнинг учар гала-галаси...
Сенсиз не қилишни билмайди юрак,
Тақдирга ҳам асло келмас кўнгиси.

Яна баҳор келди...
Яшнаётган яшил олам - ҳайратда!
Бўғзимга тиқилган алам – ҳайратда!
Қасам ичган аҳду паймон – ҳайратда!
Ғолиб чиққан беор армон – ҳайратда!

Яна баҳор келди...
Севгининг узилган риштаси йиғлар,
Кўз ёшин қуритар фироқ отли ел.
Дилдан тошиб чиқар даҳшатли бир сел,
Оқиб кетаяпман сендан узоққа-
Келганда баҳор!







## Навоий

Ҳирот осмонида порлар бир юлдуз,
Жаҳонни ёритар ёрқин шуъласи!
Нур олар қалбимиз беминнат ҳануз,
Мусаффо покликдир шуури.. саси!..

Оқлайин деб берган халқнинг тузини,
Яратди боғ – роғнинг қанча-қанчасин...
Занжирбанд сезса ҳам гарчи ўзини,
Эзгуликка чорлар шернинг наъраси!...

Достони, ғазали мисоли дурдир!
Таратгани воажаб, сеҳрли нурдир!
Асрлар, йиллар оша... ҳосиятин кўр,
Назмда қургани - азим қасрдир!

Беш аср-ки пурвиқор ашъори ила,
Забт этар дилларни шарқнинг ўғлони.
Қулф уриб яшнайди назмий гулшанинг,
Шеърият мулкининг улуғ Султони!....



## Аёл

Суюкли масканин тарк етди аёл…
Ноилож кўл ёзар бечора тақдир,
Йўл бермас юришга минг турли хаёл,
Бу ахир унинг –чун ўлимдан оғир!...

Ёқасин чок этиб йиғлар нав жувон
Кўз олди – қоронғу!.. Дунё - қоронғу!
Ҳаёт – тўхтаб қолган... отақолмас тонг,
Босиб янчиб ётар юрагин қайғу...

Из солди илк бора юзига ажин,
Тим қора сочига кўнди оқ қиров,
Дунёга ўт кетмас бу ҳолдан нечун!?
Дунёга сиғмайди бу ғам ... бу ингров!...

У энди қайтмайди, суюкли ёри-
Ялинсин... ёлборсин... бари- беҳуда!...
Юм-юм йиғламокда топталган ори,
Дунё тўлғанмокда чеккан оҳидан!...

Аммо... хотиралар очирмас кўзин,
Гул-чечаклар терган қирга бойлайди.
Унутиб дунёни ... унутиб – изн,
Ёрин кучоғига ўзин ташлайди.

Ҳол-жонига кўймай сутдай поклиги-
Бўйнига осилиб олгандир "қол" деб!
Гуноҳин билолмай хайрон оқлиги,
Наҳот-ки адашди ҳаётни "бол" деб!

Синмасин орзунинг оппоқ каноти,
Ҳувиллаб қолди-ку бир гўзал маскан,
Қуёш қайта чиқмас, ой эса – ботди,
Қонаб ётган дилга излай деб таскин!..





## Соғинч

**("Юлдузли тунлар"ни ўқиб....)**

*Унга не бўлди?!*
Ғашликдан юраги ёрилар тарс-тарс!
Ҳаловат билмайди дил деган маскан.
Шоҳона саройи у учун қафас,
Ҳеч ким беролмайди қалбига таскин.

*Карвон келди...*
Таъзимда сарбони- шоҳ ҳузурида...
Тухфалар- бир дунё.... аммо бир қовун-
Ёйилди.. таъми-чи... о ҳузур эди!-
Иси, ифори ҳам маст қилар тайин.

Шу ... биргина қовун – Ватан тимсоли,
Узоқдаги юртин кўргандай бўлди...
Ўксиган дилига – бу бир тасалли,
Соғинчга юраги лиммо – лим тўлди...

Олис Ҳиндистондан бургут мисоли,
Хаёли учади юртин қоралаб,
Сарпойчан ёшгина боладир ҳали,
Қовун палакларин юрар оралаб....

*Сокин хона...*
Кўз ёшин тўкканча ёғду сочар шам,
Унинг юрагида ғам, алам, ўкинч!
Шоҳона уй... жиҳоз... беназир ҳашам,
Бир тилим қовунча беролмас юпанч.

*Тонггача...*
Юммади кўзларин... дил пора-пора!
Азонлаб уйғонди ухлаб ётган тинч.

Карвондан қолмайин қорама-қора,
Узоқлашар ундан энг сўнгги илинж!

*Ажабо...*
Қудратли бўлса ҳам бир юртнинг шоҳи,
Ўтказа олмади ҳукмин – тақдирга.
Беназир ғазаллар битган ул шоир-
Ватанга зор бўлиб ўтса... ҳақдир-да!







## Фақат сен...

Дов-дарахт бир четга қўйиб ибосин,
Талпинар қўлларин чўзиб қуёшга.
Олтин япроқларнинг шода-шодасин-
Шамол улгурибди ерга тўшашга!..

Қайда қолди тўлиб тошаётган сой,
Ширин хаёлларим оқизиб кетди!
Юлдузлар-чи, менга сирларин айтмай,
Тун бағрин тилганча фалакка етди!

Хазон учаётир сокин боғларда,
Кузнинг шамолида абгор-у ғариб,
Қирмизи гуллар йўқ ўнг-у сўлларда,
Тоғларга бош қўйиб ухлайди бориб!

Жонсарак ўйларим тинч қўймас аммо,
Излаётир... ўша жўшқин баҳорни!
Излаётир бирга – ер, ... қуёш... само-
Гул кўтариб турган ҳуу ... ўша ёрни!...

Бу фоний дунёда... бари – омонат,
Бир... бир ташлаб кетди, маёқдай порлаб,
Умид-орзуларим сендадир фақат,
Фақат сенгина турибсан ўзингга чорлаб!...

## Наврўзи олам

Оҳиста оқариб келмоқдадир тонг,
Қандайдир шукуҳли ... ажиб ва сирли!
Ҳаяжон ичида титрар замин ҳам,
Ҳаяжон чулғайди шу он қалбимни!...

Нечун бошқачадир дейман бу кунни
Нега табиатда ўзгача шукуҳ!
Нега қўмсар юрак чечакни... гулни,
Кўкни қучгудайин шодланар бу руҳ?

Ахир кезиб юрар ана... Наврўзи олам,
Улашиб юртимга қут ва барака.
Қувғинди қилинган қайғадир шум ғам.
Шодликдан бошқаси сиғмас юракка!

Баҳорнинг суюкли қизидир Наврўз,
Тўйига чорлайди карнай садоси.
Мўл бўлишин тилар элимда ризқ-рўз,
Нуроний чолларнинг алқов .... дуоси!

Ҳалиму сумалак... қайнайди тошиб,
Кўк сомсалар пишар иссиқ тандирда...
Гул-чечаклар терар ёшлар қир ошиб,
Нур тўлар дилларга, диллар туташиб!

Куйига куй уланди... қўшиққа-қўшиқ!
Даврага чорлайди Наврўзи олам.
Байрамда шодланар кекса-ёш жўшиб,
Қутлуғ бўлсин дея, шу улуғ айём!



-2372-



## Нега?

Кўксимга бош қўйдинг, балки сўнгги бор,
Сочларинг кўксимни беаёв тилди.
Наҳот, бу сўнггиси – энг сўнги дийдор?
Сенинг қарашларинг куйдирар дилни!

Тош қотган кипригинг узра томчи ёш,
Кўксимга тушмасин, дош бермас ахир!
Мени синамагил, эй номард бардош,
Бу юкни кўтариш жуда ҳам оғир!

Наҳот қўл силтадинг бари-бирига,
Бевафо дунёга... тақдирга... менга...
Қулоқ ҳам солмайин бу дил зорига,
Ишқ қасрин қулатдинг, айт, ахир нега?!

Юрак энди ғариб, вайрона кулба,
Шодон кулгуларинг сиғмайди унга.
Қайғу-ҳасратларим изғийди – телба,
Кетсанг... ахир қолгум қандайин кунга!..

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

## Баҳор ташрифи

Кўкдан нур ёғилар.... ғоятда сирли...
Оппоқ капалаклар қўнишар... учар!...
Бу кеча бунчалар файзли... нурли,
Жўш уриб туйғулар самони қучар!..

Дил торин чертар кимдир оҳиста,
Қўллари турибди елкамга тегиб...
“Танимадингми?” деб шивирлар аста,
Энтикиб кетаман шу кўйи туриб!...

Тўхтаб қолди бир зум ёғаётган қор,
Шаштидан тушгандай бераҳм аёз.
Табиатда ажиб ўзгариш... виқор,
Ўзгача бир ишва... ўзгача бир ноз!...

Бирдан... порлаб кетди ҳайратнинг кўзи,
Дув-дув тўкилади соғинч ёшлари.
Тутиб кетди кўкни гул ялпиз иси,
Келаётир қишдан... кўклам нафаси!...

Ўзи ҳам турибди қаршимда – ана,
Бағрига босганча оппоқ гулларни...
Юртимнинг ҳуснига бўлиб парвона,
Яйратар, ҳадемай... ошиқ дилларни...

Қуёш қовоғидан қор ёғмас энди,
Энди яланг оёқ юрса бўлади...
Қизғалдоқлар... қирдан этакка энди...
Энди гул чечакка юртим тўлади!...





## Дил билан суҳбат

- Қай бири гўзалдир: гулми ёки ёр?
- Уларда... жонингни олувчи сир бор!

- Нечун уларга сен ошиқсан, дилим?
- Уларсиз.... дунёда не кечар ҳолим!

- Гулнинг тикони бор... ёрданчи – озор.
- Азоб чекишда ҳам буюк маъно бор!

- Севишдан... куйишдан чарчамайсан ҳеч,
- Шу эрур дунёни тутгувчи таянч.

- Сени аямас ҳеч, билсанг, ноҳақлик,
- Сабру қаноат-ла тутгим иноқлик.

- Ғанимлик... адоват тилар бағрингни?
- Асраб-авайлайман ҳарчанд боримни.

- Афсус, надоматдан куярсан, балким?
- Адашсанг, ибрат-ул, йўлга соларкан.

- Сен қайдан олгансан, бунчалар кучни?
- Воз кечиб роҳатдан, сийлаб ўкинчни.

- Барчаси не учун, айтгил сирдошим,
- Ишқ бериб синаркан оллоҳ- бардошинг!

- Қайда экан унда висол манзили?
- Излаб уни топиш – умрим мазмуни!

## Янги йил

Байрам бугун, озод элимда,
Қутлашарлар янги йил билан!
Азиз дўстим, сен ҳам келгин-да,
Табриклагин... хоҳла... гул билан.

Хоҳла отгил бир қучоқ қорни,
Ниятингни оқ қилиб шу вақт.
Қўлингга ол анави торни,
Куйга солгин қувончни фақат!...

Қиздир роса, янги йил базмин,
Қутлаб юртни... ярашар бу ҳол...
Чорлаб ҳатто баҳорни... ёзни,
Меҳмон қилар танти қиш хушҳол!







## Келдим сўргали...

Ёр-ёрнинг садоси тингандир ҳали,
Ҳалигина ўчди гулхан ёлқини.
Менсиз... ўзга билан қолган маҳали
Севги шуми, дея, келдим сўргали...

Толиққан юзингда ҳайратнинг изи,
Маъюс жилмаясан қалбим тилгали.
Наҳот кўр бўлади севгининг кўзи?
Вафо шуми, дея, келдим сўргали!

Сўнди деразангдан таралган зиё,
Совуқ қучоғига олди тун мени,
Сўнгги умидимдан бўлдим-ку жудо,
Жафо шуми, дея, келдим сўргали!

Хайҳот!... Айро тушди тақдирнинг йўли,
Заррача илинж йўқ энди юргали!
Ёгди-ку бошимга қисматнинг дўли,
Видо шуми, дея, келдим сўргали!



## Саховат қилгин, ё...

Ёлвораман келгил, юзлари гулгун,
Тушларимда яна бўлурсан пайдо!
Сенсиз... бўм-бўш... совуқ, зим-зиё очун,
Унсиз йиғлар зор-зор, тош қотган дийда!...

Сувратинг чайқалар, кўзларим юмсам,
Сен энди... наҳотки... ўзганинг ёри!
Сукланиб термулдим- киприкларинг нам,
Эриб оқаётир ҳижроннинг қори....

Вақт ҳам тўхтаган... сукут сақлар жим,
Бостириб келмоқда армон отли тоғ.
Мен бир асир қулман, сенга, эй жоним,
Саховат қилгин... ё, жазола шу чоғ!

## Тўртлик

Умримиз ўлчовли, ҳаёт – оқар сув.
Кимдир бунда хасдир, ким эса ғаввос.
Бириси оқимга мослашган ҳолос,
Бириси дур терар уммондан чапдаст!...





## Ақлим ҳайрон

Тақдир экан, айро тушди йўлларимиз,
Қайда қолди оташ-у шаън ўйларимиз.
Ёлғон экан тенг дейишган бўйларимиз,
Бўлиб ўтди бўлмайдиган тўйларимиз!

Дуч келганда чимирилар қошларингиз,
Ёниб кетар балки ичи-тошларингиз.
Билинтирмай арта қолинг ёшларингиз,
Гоҳо келиб, гоҳо кетар ҳушларингиз!

Ўчди ёққан юрагимда чироғингиз,
Қаддим букди ноз-карашма, фироғингиз.
Ҳали .... ҳамон босилмаган титроғингиз,
Не демоқчи, англолмадим, дудоғингиз!

Бу дунёнинг ишларидан ақлим ҳайрон,
Бир-бирига етолмаган диллар – гирён!
Кечагина обод бўлган ошён - вайрон,
Аросатда қолган севги – сарсон ... сарсон!

## Нетгайман

Айриликнинг ўчсин-эй оти,
Жабр тиғи бу дилга ботди.
Кўрган куним бунчалар қаттиқ,
Ҳаёт... гўзаллигин йўқотди.

Айриликнинг синсин қаноти,
Олиб кетди сени кўтариб.
Юрагимни тиғсиз қанотди,
Қайга борай, сени ахтариб!...

Айриликнинг сўнсин-эй шаҳди,
Мен қолдим-ку кўкка ёлбориб.
Бўм-бўш энди бу кўнгил тахти,
Юргил эди унга ёр бўлиб.

Айриликнинг битсин саботи,
Кел малагим, муштоқ кутгайман.
Адо бўлди бу дил тоқати,
Сенсиз яшаб... айтгил, нетгайман!





## Кел малагим

Узун тунлар хаёлимга тошлар отдинг,
Ҳеч қўймайди юрак қурғур айтиб отинг.
Тўлишган бир ойим эдинг, нечун ботдинг.
Наҳот, асир бўлсанг ёрим, шул ҳижронга!

Қанча кутай, айтгил ёрим, келармисан?
Бир бечора ошиқлигим билармисан?
Қошинг кериб назарингга иlармисан,
Наҳот, асир бўлсанг ёрим, шум армонга!

Боғбони йўқ ниҳол, ахир сўлмайдими?
Узрим айтсам, сўзим ерда қолмайдими?
Келсанг магар, ўксик кўнглим тўлмайдими?
Асир бўлсанг ярашгайдур бул имконга!

Кел малагим! Ишқ нелигин олсин билиб,
Яйраб юргил, душманларим қолсин куйиб.
Висолингдан баҳра олай тўйиб-тўйиб,
Асир бўлсанг, ҳавас қилсин, ишқ уммонга!...

## Чақиргил

Сен кетиб ҳувиллаб бўш қолди бағрим,
Тимдалаб қонатар ўйларим тунни!
Битикми, кемтикми деблар тақдирим,
Ечолмай ҳалакман сирли тугунни...

Қайдасан! Соғиндим, танлари гулдан,
Йиғлаётган бўлма қонли аламли!
Чақиргил, кулдира олмасман чиндан,
Тонггача ёш тўкай қўшилиб майли.

Зада қилган бўлиб долғали дунё,
Қочиб кетгинг келса, қайгадир шу тоб.
Чақиргил, қолгумдир ёнимда олиб,
Ё кетгумдир бирга, сен билан шитоб!

Эшитгинг келмаса ҳеч кимни агар,
Қулоқ сол қалбингга ... шудир тўғриси.
Чақиргил, умримнинг сўнггига қадар,
Сукут сақлаб ўтай, қалбим ўғриси!

Чақириб қолсанг-у боролмасам мен,
Юмушларинг қўйиб ёнимга шошил!...
Бу дунё кимгадир қолган бўлар кенг,
Сен эса... келгинда, руҳимни шод қил!





## Хуш келибсан, эй Наврўзи олам!

Тонгни кутиб олди карнай садоси,
Унга жўр бўлади сурнай... чилдирма.
Йўлга тушди юртнинг шоҳу гадоси,
Наврўзой ясатган улуғ даврага...

“Қани кўпкарига” дея чорлагач,
Жиловин бўш қўяр чавандоз отин.
Маррага улоқни келиб ташлагач,
Соврин билан олар элнинг дуосин.

Полвонлар ҳамиша олишган ҳалол,
Елкасин тегдирмай сира шу ерга.
Қани, юрак бўлса келда, белдан ол.
Жой топмас енгтани ўзин қўярга...

Бу аҳир шундайин улуғ байрамдир,
Қадимдан эл элга шу кун туташган.
Бири тоғдан келиб, бири саҳродан,
Омонлик тилашиб қизғин кутлашган.



## Айтилган бир сўзинг

Туйқусдан чайқалиб кетди дарахтлар,
Бир сесканиб қуёш келди ўзига,
Айтилган бир сўзинг мени карахтлар,
Дунёни қоп-қора қилди кўзимга!

Бошимга урилди осмон-у фалак,
Тўзғиблар кетди-ку юлдузлар сафи.
Бир парча музгами айланди юрак,
Тақдир деганларнинг борми инсофи.

Топталиб бир зумда севгининг шаъни,
Зулматдан тахт ясаб олдику бу дил.
Порлоқ орзуларнинг кўзгуси қани?
Дарз ҳам кетмайин нақ... синдику чил-чил!
Айтилган бир сўзинг...





## Армон

Ҳаёт сўмоқлари – чигалли сирли...
Муҳрланар юракка, босилган излар...
У онлар қанчалар бўлган қадрли,
Билмадик афсуски... учрашган кезлар.

Эсимда, ўзгариб ҳар бир лаҳзада,
Товланар юзингда жилвалар мавжи.
Яқиндинг шунчалар – қалбим ларзада,
Етмоқнинг бўлмади сира иложи!

Тақдирнинг яна бир найрангими бу,
Ё дуч келдимми-а, қайтай, саробга!
Бечора қалбимнинг гуноҳи борми,
Уни ташлаб қўйдинг мангу азобга!

Бу дунё шундайин яралган балким,
Бир умр яшайсан кимнидир кутиб!
Балки ўша сендирсан, сирли йўловчим,
Ололмадим, аммо бахт қушин тутиб!

Ёқасин чок қилгум армоннинг энди!
Бахт қушим қанотин қайиргандир – ул.
Билмадим у кимнинг бошига қўнди-
Армоннинг қўлида жон берганда – Дил!...

## Тутай сенга
**(ҳазил)**

Юрагимни куйдирар у қиз...
Кўзларимни шуъла!.
Ширин жонга ўт тушди илкис,
Борлиқ унда ёнар баралла!

Майли десанг чўкайинда тиз,
Тутай сенга шу эҳсонимни.
Ол қалбимни қўлингга, эй қиз,
Қолганига берай жонимни.







## Соғиндим...

Хаёлинг иплари бунчалик узун...
Юрагим қолгандек унга боғланиб,
Қанча армонлари кесолмас уни,
Чувалиб ётибди кунда товланиб!...

Қани нигоҳингда мавж урган тўлқин?
Кўзларингга чўккан мунг бўлдимми ё.
Яшнаган юзларинг не учун сўлғин,
Қайга кетди унда.... барқ урган зиё!

Айт, ахир сен учун нималар қилай,
Кўксимда тўзғиган сочларинг ҳаққи!
Рашкидан қон йиғлаб хира тортсин ой,
Ишқим осмонида ой бўлиб балқи!..

Сочиб юборайин пойингга борим,
Гулдайин очилса, чиройинг зора!...
Ўша шўх қизчага айлан, дилбарим,
Мен эса бўлайин қайта бўз бола!...

Соғиндим, ҳу-у ... ўша шўх қарашларинг,
Кел, жоним... қайғуни бир четга қўйиб...
Яна дарё бўлсин севинч ёшларинг,
Яна олсин ишққа бу кўнгил тўйиб!...



## Садоқат

Гапдан – гап чиқади, билсанг одатда,
Севгига гал келди шундай суҳбатда:

- Ишқдан сўз очдингми, эй кимса? – дедим,
- Билсанг агар бу кўнгил дарди.

-Сўзингдан бир маъно, билмам чиқишин,
-Чаён ҳам ураркан чархламай нишин.

-Ёшинг ҳам қолибди бир жойга бориб,
-Юрибман ҳалиям меҳр ахтариб.

-Ҳаловат топсанг-чи кексайган чоғинг,
-Зийнатлаш – мақсадим бу кўнгил боғин.

- Узрим қабул қилгил, шоширибман сал,
- Қийналиб етишсанг, ширindir асал.

- Сўзингга маҳталман, гапиргил энди...
- Эшит! У чоғ мен ҳам навқирон эдим.

Дунё эди гўё яшил чаманзор,
Қулф уриб яшнарди қалбимда баҳор.

Осмонга етарди узатсам қўлим,
Билмас эдим ҳатто, борлигин ўлим!

Ғам-ташвиш солмаган бошимга соя,
Кулфатлар чалмаган оёғимдан ё.





Шундайин кунларнинг бирида бехос,
Куй чалиб юборди дилда эҳтирос.

Тутқаздим қўлига ҳар неки – борим,
Бўл дедим, тиз чўкиб, севикли ёрим!

Дала гулларидан ясаб гулчамбар.
Қушлар қанотида қошингга элтар.

Самога қўл чўзсам, энг чақноқ юлдуз,
Йўлларинг ёритгай бўлиб у кундуз!

Ой эса нурларин сочар бошингдан,
Хизматга шай турар ҳурлар – қошингда.

Эгилиб таъзимда, ана мажнун тол,
Паришон сочларин йиғолмайин лол!

Кулишин билмайсан наҳотки иқбол,
Бўлишинг билмайсан энг севимли ёр!

Ул деди: - Манзилим ўзга диёрда,
Бу дилим соҳиби ўзга бир ёр-да!

Сенда эмас кўнглим, кечиргил нетай?
Бу- кўнгил ишидир, кечирсанг, кетай!...

Шундан бери сарсон бу ярадор дил,
Малҳам... мурувватга муҳтождир кўнгил...

Қалбдаги бу ўтни ўчирувчи йўқ,
Ё дилига бу ўтни кўчирувчи йўқ.

-Ҳалиям кеч эмас топилгай бир ёр,
-Ўзгача эди-да у гулда ифор!...

-Ёлғизлик ярашар эгамга холос,
-Ўзга ёр дилимга келолмайди мос.
-
-Сабр қаноатга ошно бўл унда,
-Ўша муҳаббатим мен учун далда.

Содиқман, ҳу ўша, бераҳм дилга,
Айланиб кетса-да бу жисмим кулга!...

## Қизғалдоқлар

Соғиниблар илиқ меҳрни,
Интиқ кутди қишнинг чиқишин.
Мана энди безатиб қирни,
Кутиб турар Баҳор олқишин.

Йўл бошлади Вафо қўл ушлаб,
Қоқилгуллар ёяр поёндоз.
Кўклам сари бормоқда бошлаб,
Гул сайлига Ишва билан Ноз.

Қизғалдоқлар борар олдинда,
Эргаштириб қолган гулларни...
Баҳор деди: - шунда қолгинда,
Яшнат энди муштоқ дилларни...

Шундан бери, ҳар баҳор-қирда,
Сайр қилар ёшу ялanglar.
Қизғалдоқлар чайқалар нурда,-
Қандай гўзал эҳ, бу қаранглар!..





## Кўнгил эса
### (Ҳазил)

Туриб, туриб жўнади бир пайт,
Ясаниблар олиб.. Гулдаста.
Бу хабарга қўшилганча байт..
Етиб келди Елга бир пастда.

У ҳовлиқиб елиб.. югурди,
Достон қилиб, Гулдастани хўп.
Гулзорга ҳам айтиб турувди.
Деди: бошим қотирмагил кўп...

Гулдаста-чи йўлда борарди,
Бир кўнгилни обод қилай деб.
Уни... кўплар кутиб турарди,
Суюб-суюб, силаб-сийпай деб.

Яширмади ғунча Лаб аҳдин,
Ўпгум дея гуллар юзидан...
Ҳамма, чиндан синади бахтин,
Кўнгил эса... кетди ўзидан!

## Элчи бўлақолсин ёғаётган қор

Сен тенгсиз малаксан, тополмайман сўз!
Дайди шамоллар ҳам пойингда қотди.
Сенинг чиройингдан узолмайин кўз,
Эс-хушим дафъатан ўзин йўқотди!

Ўпич олар тинмай яноғингдан қор,
Ҳали айтмасидан дилдаги сирин.
Термулар мен каби музлаган анҳор
Муз кўксин илитар сенинг тасвиринг.

Туби йўқ уммондир бу шаҳло кўзлар,
Унинг тўлқинида ғарқ бўлдику дил!
Сен томон элтмоқда бу таниш излар,
Бечора қалбимни не қилдинг, э гул!

Элчи бўлақолсин ёғаётган қор,
Гулгун ёноғингга қўнганда эсла!
Йўқолган қалбимни топиб олса гар,
"Бу ўзганики..", - деб ноз қилма асло!..







## Тўртликлар

Қурама тоғнинг чўққисига,
Илиб қўйдик беланчакни.
Қўл етса, олақол деб,
Гиз-гизладик келинчакни.

***

Керакли ёкка бур суҳбат бошини,
Ва лекин отмагил ғийбат тошини.
Тегиши бор бир кун келиб ўзингга,
Бил, ёмон ер бошин, яхши – ошини!

***

Бир оғиз сўзидан биларсан, у – ким,
Оқил бўлса, тингла, айтганларин жим.
Хазина калитин олибсан қўлга,
Сабр қила олсанг, очилгай тилсим!



## Айт қайдасан Кумушойим, Кумушой!..

**(“Ўтган кунлар”ни ўқиб)**

Шу кенг жаҳон наҳот сенга тор келди?
Шодликлар қолди-ю... хабарга зор келди.
Дўстларинг борди-ю... нечун ағёр келди?
Йўқ жойдан силкиниб таранг дор келди.
Айт, қайдасан Кумушойим, Кумушой!...

Тўймади ҳаётга у оҳу кўзлар,
Ним очиқ дудоқлар ненидир сўзлар.
Етим қолган севги ҳануз-да бўзлар!
Висолга қонмаган бир дил-ки - музлар...
Айт, қайдасан, Кумушойим, Кумушой!...

Армонлар сарсондир изингдан юриб,
Оҳу зорлар сарсон кўкка хайқириб!
Хазонлар сарсондир боғни супуриб,
Забонлар сарсон жим... овозин ютиб.
Айт, қайдасан, Кумушойим, Кумушой!...

Ҳуснингга тўймаган боғлар сарғайди,
Оғу тутган ўша чоғлар инграйди.
Нафрат ҳам ўзини ўзи қарғайди,
Тўхтаган юракда замин титрайди!
Айт, қайдасан Кумушойим, Кумушой!...

Дил торин чертган у қандайин Насим?
Сен ўзинг қўйдинг-ку бу ҳисга исм.
Ўзи билмай қўлга тушган асирим,
Муҳаббат тафтидан юксалган тилсим!
Айт, қайдасан, Кумушойим, Кумушой!...





Баҳор деган фаслнинг бир жойи кемтик,
Кўнгил ҳам қаддини тутолмайди тик.
Кимнингдир йўлига Бахт боқар интиқ,
Орамизда ким йўқ, кимни унутдик?
Айт, қайдасан, Кумушойим, Кумушой!...



## Дарё бўйидаги ўйлар

Сирли жимлик...
Дарё шовқини,
Кўнгиллардан қувар ғуборни.

Шу жимликка сингиб юрагим,
Эриб, эриб оқар сувларда.
Ёдга солиб ёшлик.. баҳорни.

Ёдга солиб...
Қачонлардир,
Дил суйган ёрни...

***

Чағалайлар  тўлқинга,
Аябгина урар тўшини...
Айтмоқчими... шу дейман менга,
Кечагина кўрган тушини.







## Она

Ўтмишингни ўйла бир зумга,
Кечмишингни ўйла бир зумга...
Айт-чи, кимдир энг улуғ бир зот?
Бу онадир, она - улуғ зот!

Болам, деган ўзини қўйиб,
Жон хам берган у учун куйиб.
Туймагандир ҳеч қачон суйиб,
Бу зот - она, онадир, она!

Кўрмагандир тиконни раво,
Қилмагандир меҳнатин даъво.
Дилбандим деб чеккан у жафо
Бу зот - она... она - дурдона.

Кўрсам деган ойдек жамолин,
Суюнгандир кўриб камолин.
Асло, асло кўрмай заволин,
Деган у зот - она - ягона...

У турибди дунёни ушлаб,
У бормоқда дунёни бошлаб.
Кетолмас лек бешикни ташлаб,
Бу зот - она, дили - парвона!

## Ватанида шону шухрат қучганлар

Бириси ёр эди... бириси - падар...
Бириси оға-ю бириси - она!
Сизга тилаб жангда шонли зўр зафар,
Ўзларин тутдилар тетик, мардона.
Ватанида сизни интиқ кутганлар!

Умрининг баҳори сизларсиз ўтди,
Садоқатга қўлин берган ёрларинг!
Йўл кутганча гоҳо тонглари отди,
Сочлари оқарган зулфи зорларинг.
Жанггоҳларда мангу қўним топганлар!

Қанча эдингиз-у қанчангиз қолган,
Қаердасиз, айтинг, номингиз билай.
Ҳорғин кўзингизда чўғ қотиб қолган,
Қадоқ қўлингизни бир бора силай.
Ватанига эсон-омон қайтганлар!

Орзулар ушалди... ва лекин айтинг,
Бу кекса юракда қолдими армон!
Шукрона айтишга келди-ку пайти,
Сўзланг... ардоклайди сизларни, Ватан!
Ватанида шону шухрат қучганлар!





## Дарё бўйида

Ўтар бўлсам дарёни кечиб,
Этагида тўхтайман бир зум.
Ўтираман тошларга чўкиб,
Сўзлашганча у билан ўзим.

Қуёш ўйнар тўлқинларини,
Ёниб турган бир ҳовуч чўғдай.
Ой чиққанда ёлқинларини,
Сувга ёяр бир хумча ёғдай.

Чағалайлар чарх урар тинмай,
Юзга тегар қанот эпкини.
Кетишимга у асло кўнмай,
Суҳбатига чорлайди мени...

Ҳув нарида бир гала оққуш,
Бағрин бериб ётар қумлоққа.
Яқинлашсам, канотин қоқмиш,
Парилардай кўкка учмоққа.

Мудраб кетди балиқчи чол ҳам,
Қўлдан тушар қармоқ таёғи.
Балиқчини ухлатиб Чидам,
Чўмилмоққа шайланар чоғи...

## Ватан ҳақида қўшиқ

Шижоат ва мардлик қадимдан мерос,
Сўзлагин, эй равий, доно Широқдан.
Совут кийиб олиб, она Тўмарис
Душманни даф этган азиз тупроқдан!

Ҳайқирган шу ердан занжирбанд бир шер,
Ҳамон чайқалади бу кўҳна замин.
Адолатни қилганча ўзига шиор,
Буюк Темур қучган шонли зафарин!

Бунда-
Кўкка туташгудай миноралар бор
Бўй чўзиб турибди асрлар оша!
Минг ёшдан ошган чинорлари бор,
Завол билмас ажиб ва сўлим гўша.

Қўлингга олган чоғ, бир сиқим тупроқ,
Кўз юмиб очгунча барг ёзар, гуллар.
Куз чоғи тўкилган заъфарон япроқ,
Вафо, садоқатдан эртаклар сўйлар.

Илм-у фан дунёга йўл олган юрт-бу!
Тафаккур гулшани гуллаган юрт-бу!
Ҳофизлар шошмақом куйлаган юрт-бу!
Бир кўрган, жаннат деб ўйлаган юрт-бу!





## Сўнгги япроқ

Сўнгги япроқ, ана, қолибди шохда,
Турибди тебраниб кузнинг елида.
Туш кўраяпти у, айни шу чоқда,
Юрганмиш кезиб, ҳув-кўклам элида.

Яшил майсаларни қўярмиш силаб,
Тиниқ булоқлардан ичармиш қониб.
Гулларни терармиш, гўзалин сайлаб,
Чўмилармиш сойда кун бўйи қолиб...

Силкиниб кетди-ю жонсарак шохлар,
Юлинди бандидан эссиз.... япроқ ҳам!
Чала қолди туш, тебранар онлар...
Чидамас титраблар бунга юрак ҳам...



## Ёмғир

“Не бўлибди қуёшинг менга”,-
Дея, булут хезланар кўкка.
Ёйиб ташлаб сепин осмонга,
Чиқармоқчи душманни йўққа.

Кулиб қўйиб қуёш бу ҳолга,
Тутиб олди булутнинг барин.
Қамчи солди, чидолмай салга,
Йиғлар булут юмиб кўзларин.

## Энди ўқий қол

Бир қиз яшар бу уйда,.... нозли,
Куттиришни... жудаям севар.
Қорда қолган хасратнинг изи-
Деразага нигоҳин қадар!

Юриб чиққан оппоқ тонггача,
Уйқу ишқаб юзларига қор.
Оёқлари хориб.... толганча,
Кутган эди уни суйган ёр!...

Қўйиб туриб эй қиз... нозингни,
Деразага қара, зеҳнинг сол.
Баён қилиб у – дил розини-
Хат ёзибди... чиқда, ўқий қол!





## Ваъда ва ғурур

Сўз бергани тушиб эсига,
Бажармоққа шайланди уни.
Қаранг, шу пайт олиб аксига,
Туғиб қолди Ғурурнинг куни.

-Мунча пастга урасан ўзинг,
Билиб қўйсин қадрингни у ҳам.
Бироз кеч бор, тўрт бўлсин кўзи,
Кипригига инсин бироз нам!...

## Сенсиз

Қандай соғинардинг... ёғишини қор,
Ёғса-чи... отардинг қорга ўзингни!...
Гулгун юзларингдан бўса олса зор,
Яширардинг мендан, шаҳло кўзингни...

Капалак ортидан қувган боладай,
Бирма-бир ушлардинг қор учқунларин!
Сўзлашардинг ҳатто тилин билгандай,
Кўрдим, қулоч ёзиб қор қучганларинг!..

Ўшанда ҳам кулиб – ёниб отдинг қор,
Бу-ишқ изҳорими... қолдим билолмай!...
Аммо, бу учрашув экан сўнгги бор,
Қорда қолган изинг... юрман тополмай!

Мана, ёғаётир яна оппоқ қор,
Ўзин отмас лекин.... ҳеч ким бу қорга!...
Энди .... ёғаётган бу қор ҳам бекор,
Сенсиз, қандай етай энди баҳорга!

## Қиш ташрифи

Забтга олгач... Совуқ-ҳавони,
Ўзин билмай ҳушлари оғди.
Оқ қаноти кесгач самони,
Эрта тонгдан лайлак қор ёғди!...

Тарашлайди кўксин Яхмалак,
Ўзга эмас... ўзи учгудай...
Айланишдан тўхтаб Чархпалак,
Қотиб қолган музни қучгандай.

Бўғотларга тирмашиб олиб,
Тушолмасдан йиғлар Сумалак.
Далда бериш бир ёқда қолиб,
Пастга тушай демайди Фалак.





## Орзу

У- туғилди...
Биров билиб... биров билмади,
Биров эса... писанд қилмади.
У эса – масрур, ўзича...

Ҳали не ғалвалар,
Пойлаб, йўлига-
Кўз илғамас ғовлар-
Солишни билмайди,
Мағрур-ўзича...

Бешиги- юрак.
Тебранар, тинмас!
Ахир у ором олиши керак,
Уйқу эса киприкка қўнмас-
Қайсар – ўзича.-

Эй, орзу!
Ана келаётир сени сўроқлаб.
Гард тушмаган,
Оппоқ
Беғубор кўнгил.

Борда,
Борда секингина кафтига қўнгил,
Жилмайсин ширингина...
Сен ҳам қўшилиб кулгил.

Бу шаҳло кўзларда – сир бор,
Яширган ё
Соғинчни узун киприкларига,

У сени излар.
Қара-ҳаприққанларига...
Юлдузларнинг ёғдусини бер,
Порласин кечаси ёнингда туриб.

Юравер –
Дунёни қиздириб майли.
Боравер,
Кўл етмас сарҳадларга ҳам.
Яхшидир-
Барчаси... балким, сен туфайли...
Аммо,
Бахт учун бунинг ўзи – кам!-

Энди-чи ... эй орзу!
Ўзингни ўтга ур...
          чўққа ур.

Сен учун қарз – бу!
Ҳаввойи ўйларни четга сур.
Қарзни узгин,
Адо эт аҳдинг:
-Эшигини оч-
Ҳеч бўлмаса, бир чимдим Бахтнинг!-





## Сўнгги қўнғироқ

Тинглар ҳамма-йиғилганки бор,
Айтса ҳамма ўз тилагини.
Учишга шай мана бу қушлар,
Тилга олар энг керагини.

-Хайр энди, қадрдон мактаб,
Хайр энди, зукко устозлар!
Омон бўлинг, Сизларни эслаб-
Ардоқлаймиз доимо бизлар....

Қўлга олгин, олақол тезроқ,
Чала қолгин... сўнгги қўнғироқ -.
Жарангласин, овози янгроқ.
Юракларда ҳаяжон, титроқ!

Эй, юртимнинг бахтли фарзанди,
Сени кутар нурли келажак.
Хизмат қилиш сенга қарз энди,
Билимингни ишга сол ҳар чоғ!

## Баҳор бошлаб берса йўл

Қутулганим чин бўлсин дея,
Қуёш чиқар булут ортидан.
Кўзларидан таралган зиё,
Музни ялар - хушнуд тотидан.

Бир силкинар.. ҳуу анов дарахт,
Ёғилади муздай томчилар.
Ҳали анҳор бўлса-да карахт,
Кўклам сари отин қамчилар,

Йўл бошида турар ўй суриб,
Кетмон чинглаб меҳнаткаш бир Қўл.
Тилак тилар Ғайрат хам туриб,
Баҳор унга бошлаб берсин йўл!...

## Хабар берди

Тепадаги сирли жонланиш,
Етди охир илдизларга ҳам.
Тупроққа тез қадайман деб ниш,
Хабар берди юлдузларга ҳам!







## Наврўзи олам

Ўтмишда қолди-ку, барибир айтай,
"Эскилик удуми" деганлар бўлди.
Элимни ёзғириб беписанд, атай,
Нонини нимталаб еганлар бўлди.
Пешвоз чиқавердинг элга, Наврўзим!

Эмин-эркин яшаш бўлди-ку насиб,
Ўзимникисан, ҳа кел, эй Наврўзим.
Шу даврага фақат сенсан муносиб,
Бошлаб кел баҳорни юртимга ўзинг.
Пешвоз чиқар энди, элимнинг ўзи!

Эзгу тилаклардан бошла сўзингни,
Элимга бахт тила, қўл очиб сўнгра.
Сероб қил ризқини, нону тузини,
Порлоқ, иқболини, тинчини сўра.
Пешвоз чиқар энди, элимнинг ўзи!

Тансиқ, таомларинг бир-бир тутайми,
Ё қўшиқ-куйингга ўйнаб кетайми,
Кучоқ-кучоқ гулларинг бошдан сочайми,
Ё таърифинг мадҳ, этиб достон битайми,
Пешвоз чиқар сенга, элимнинг ўзи!



## Йўл олди сув

-Музга тушди кўкламнинг акси,
Даст кўтарди у бошин сувдан.
Кўрмаганми, ёрилди кўкси,
Ё ҳайратдан ва ё қўрқувдан.

Озод бўлган шоввоз сув рақсин,
Қуёш қилди роса томоша.
Халоскорга айтганча тахсин,
Йўл олди сув сой томон шоша...

## Бойчечак

Фармон берди шамолга кўклам,
Топиб кел деб, тенги йўқ бир гул.
У бўлғуси суюкли эркам,
Не бўлса ҳам шартига кўнгил.

Излаб... шамол тоққа чиқибди,
Бир гул кўрди... гўзалдир бешак.
Қор сувидан тўйиб ичибди,
Ҳуу - қояда солланар чечак.

Бу хабарни эшитиб баҳор,
Меҳри ийиб бағрига олди.
Турфа гуллар кўп бўлса ҳам гар,
Суюклиси - шу бўлиб қолди.





## Шам ва Қалам

Туни билан ёниб чиқди Шам,
Туни билан тинмади Қалам.
Уйқу эса шунчалар беғам,
Оромини кўрмади баҳам...

Тонг қараса... таниш манзара:
Ёна-ёна тугабди шам ҳам.
Қорайибди бир уюм қоғоз,
Ухлар хориб...энди, қалам ҳам!



## Фарзанд - онанинг бахти

Дунё даҳоларин эслаймиз бот-бот,
Ақлу идрокига бизлар бериб тан!
Уларни дунёга келтирган бир зот,
Қолаверар четда... кўпинча, аттанг!

Нур ёғилар... ана, гулгун юзидан.
Ҳатто фаришталар қилмоқда ҳавас.
Ха, ўгирмади юз орзуси ундан.
Она ўз бахтидан турибди сармаст!

Тунларни кунларга улаб Дил — пора,
Оромдан воз кечган Сабрга тахсин!
Йилларнинг гардини қўндирмай зарра,
Оқ ювиб, оқ тарар жигар гўшасин!

Борлиғин бағишлар фарзанди учун,
Керак бўлса ўзин қилгуси фидо!
Қанча синов бўлса, писандмас у учун,
Фақат... фарзандидан бўлмасин жудо.

Кўрмасин оналар фарзанд доғини.
Тўлиб турсин доим меҳрибон қучоқ.
Кўриб турсин улар ҳаёт боғини
Ёниб турсин уйда ловиллаб ўчоқ!







## Кириб келди баҳорий насим

Эшик забт-ла очилди қиё,
Чиқа солиб қиш бўлди таслим.
Бўшатдингми, хонани, дея,
Кириб келди баҳорий насим.

### Янги йил тонги

Тонг отмоқда, ана, сассиз, жимгина,
Юлдузлар ўзларин олмоқда четга.
Ҳориб, чарчаб ёққан қор ҳам тинган-а,
Беозор тонг ели урилар бетга..

Тонг отмоқда, эҳ, бу оддий тонг эмас,
Орзиқиб кутилган Янги йил тонги.
Байрам шукуҳидан кўнгиллар сармаст,
Ҳис-туйғулар янги, орзулар - янги.

Табиат ҳам кийиб кумуш либосин,
Сайр қилар бўлди, бориб ўрмонга.
Ола келар тезда энг кўркам, мосин,
Ям-яшил арчани чорлаб меҳмонга.

Ёш боладай шоддир ошуфта бу дил,
Хаёлларим кетар тонгга қоришиб.
Оппоқ орзулардан яралган, эй йил,
Кел, келақол, олай мен ҳам кўришиб.

Айтай тилагимни, агар тингласанг,
Олиб кир ҳар уйга олам – олам бахт.
Арзийди бу юртни қанча сийласанг,
Эзгу тилаклардан ясаб бер бир тахт.

Эй, юртимнинг азиз ўғил –қизлари,
Қутлуғ бўлсин ушбу янги йилингиз.
Келажак эгаси ахир сизлар-ку,
Ёп-ёруғ манзилга элтар йўлингиз!

## Ўзбекистон

Куйлаб ўтган бу юртни кўплар,
Сўйлаб ўтган бу юртни кўплар.
Бўйлаб ўтган бу юртни кўплар,
Сийлаб ўтган бу юртни кўплар!

Баҳор чоғи шеър тўқир булбул,
Гуллар эса очилган ял-ял.
Сувга солар сочларин сунбул,
Сув юзида сузмоқда хаёл.

Водийларнинг яшил сатхини,
Кўриб қувнар ёшланиб қўзинг.
Дарёлари куйлар мадҳини,
Саболари силагай юзинг.

Қайга борма, қайда бўлма, бас,
Бундай юртни тополмайсан ҳеч.
Буюкликдан очилса гар баҳс,
Тенги йўқдир биронтасин ҳеч.

Боғи Эрам шу юртдир балки,
Шу юрт балким жаннати макон.
Қандай бахтли бу юртнинг халқи,
Шундай юртга маҳлиё жаҳон!







## Олиб келди қуёшни кўклам

Қаердадир юрганда сағиб,
Дуч келибди қуёшга кўклам,
“Юзларинг ҳам қолибди салқиб
- Юр, дебди у, -жаа гўзал ўлкам!..

-Сочавергин бошидан зиё,
Бу бир юрт-ки... ғоятда кўркам!
Эрамга тенг, таърифи,- дея,
Олиб келди қуёшни кўклам!..



## Кўкламойнинг элчиси

Муз қарсиллаб ёрилди пастда,
Бир силкинди чўчиб мажнунтол!
Муз бетига қараса аста,
Сувда акси мавжланар беҳол.

Тушимми ё ўнгимми дея,
Чор атрофга назар солди тол.
Шу яқиндан ўтгандай гўё,
Кўкламойнинг элчиси бу гал...

## Меҳнаткаш кун

Уйқусини қочириб шиддат,
Ўйлаб қолди кўрган тушини.
Келибди-да... деганча муддат,
Бошлаб қолди дала ишини.

Бир  чеккада кузатиб Ғайрат,
Чидамасдан қўшилди унга.
Етиб келди қайдандир Рағбат,
Далда бўлиб меҳнаткаш Кунга...







## Ўзбекистон

Куйлаб ўтган бу юртни кўплар,
Сўйлаб ўтган бу юртни кўплар.
Бўйлаб ўтган бу юртни кўплар,
Сийлаб ўтган бу юртни кўплар!

Баҳор чоғи шеър тўқир булбул,
Гуллар эса очилгай ял-ял.
Сувга солар сочларин сунбул,
Сув юзида сузмоқда ҳаёл.

Водийларнинг яшил сатҳини,
Кўриб қувнар ёшланиб кўзинг.
Дарёлари куйлар мадҳини,
Саболари силагай юзинг.

Қайга борма, қайда бўлма, бас,
Бундай юртни тополмайсан ҳеч!
Буюкликдан очилса гар баҳс,
Тенги йўқдир биронтасин ҳеч...

Боғи Эрам шу юртдир балки,
Шу юрт балким жаннати макон.
Қандай бахтли бу юртнинг ҳалқи,
Шундай юртга маҳлиё жаҳон.

## Ё бахтга эришар... ё...

Гулғунча...
Титраб-титраб кетар майин эпкинда,
Тақдирин кутганча шу нафис ғунча...
Қани энди учса, қушдай эркин-да,
Ё ифорин сочса қуёш ботгунча.

Кимга тушар экан тақдирнинг кўзи?
Ошиқми, париваш ё гўзал ойим.
Ким бўлса ҳам, айтинг, бўлсин эъзозли,
Бўлсин-да инсофли... ҳар на илойим!

Қаерга қўярин билмас ўзини,
Бу учрашув унга тақдири азал.
Унга ҳозир бериб эрку измини,
Ё бахтга эришар... ё топар завол!

## Тугамас куй – у

Ширин тушдай ўтди-ю кетди,
Қанча ширин-аччиқ лаҳзалар.
Қуёш қанча чиқди-ю ботди,
Биз солмадик заррача назар.

Айт, қайдасан, дардим – қувончим,
Кетдинг нечун эттириб шайдо?
Сенсиз ғариб бу дунё... бу – чин,
Сенсиз қолиб дил бўлди адо.

Биллурдай соф эди бу туйғу,
Жон бағишлар ҳамон у менга.
Ҳали – ҳамон тугамас куй – у,
Қайда бўлма, қулоқ сол, тингла!.





## Уйқудаги гўзалга

Тонг яқин!..
Юлдузлар юзига сурат чизар тун,
Ой эса тарайди заррин сочларин.
Сукунат энтикар ҳаяжонда, тунд,
Яширмас кўнглим ҳам ўз соғинчларин!

Парқу булутларни тўзғитар шамол,
Уйқудан воз кечган – мудрамас тоғлар.
Турақол нозланмай, эй соҳибжамол! –
Куйдириб қўймасин ўтли нигоҳлар.

Камалак порлайди тоғ узра – ана,
Танлаб ол дид билан керакли рангни.
Чиз – осмонга расмин, ошиқ дил – мана,
Боғлаб қўй нур-ла сўнг... яра сийнамни.

Кетсанг, олиб кетгил ўша суратни,
Соғиниб қолсанг гар босгил кўксингга.
Сўрама олганим қайдан журъатни,
Не бўлди яраси... деб ҳам ўксима!..



## “Унутганман...” демагил фақат

Эй қалдирғоч, учарсан қайга...
Соғинчларим етказ ул ойга!

Эсла... эсла жоним, эслагил,
Бахтли эдик ахир қанчалар!
Севги нима... суйиш нелигин,
Соғинмаса юрак шунчалар!

Бўм-бўш энди, биз кезган боғлар,
Қилт этмайди ҳатто шохлари.
Сукут ичра ҳов анов тоғлар,
Қутқу солар ўнгир... чохлари.

Хаёлларим сен томон бошлар,
Қайда бўлсанг бўлгин-у, ёд эт.
Сирли ибо... сирли қарашлар –
Юрагимда ёнар бўлиб ўт.

Қалдирғочлар яна қайтади,
Сен йўллагин улардан бир хат.
Дилингдаги борин айтади,
“Унутганман...” демагил фақат!





## Садоқатга туради чорлаб...

Хиёнат!
Бехосдан ўқ тегди... Дил деган оққуш –
Қулаб тушаётир қоронғу жарга!
Питирлар беҳуда қушгина бойқиш,
Мадори қолмади кўкка учарга.

Сўнаётир секин кўзида – қуёш,
Ҳеч кимга тегмасди, йўқдир озори.
Бундайин ёзиққа беролмай бардош,
Кўл чўзиб қолди-ку ҳавода – зори.

Зор-зор қақшаб қолган беғубор туйғу –
Бир умр ўтади кимнидир қарғаб.
Севги бўстонида яралган куй –у,
Вафо, садоқатга туради чорлаб.

## Мен ахир бир чимдим меҳр гадоси

Шунчалар аччиқми ҳижроннинг таъми?
Узоқми шунчалар висол манзили?!
Мен чеккан азобнинг борми ё ками,
Йўли тиканлими, ё саробми ўзи...

Кул бўлиб сочилди оташ ҳисларим,
Қул бўлиб ёлбордим ерга қўйиб бош.
Қип-қизил лолазор бўлди изларим
Бўлолмадинг ахир бир зумга йўлдош.

Майли, остонангда толсин бошларим,
Қароқдан тўкилиб ёнсин ёшларим.
Бегуноҳ нигоҳинг керсин қошларинг,
Фақат... эрисин-да ичи-тошларинг.

Лиммо-лим тўлди-ку сабрим косаси,
Қани юлиб отгил – телбадир бу дил!
Мен ахир бир чимдим меҳр гадоси,
Сен эса бўлақол “беозор” қотил.







## Бу не тақдир...

Бу туш эди чоғи...
Қалбимнинг тўрида сенсан, қарасам,
Турибсан, ҳуу ўша ҳарир либосда.
Қўл чўзишга энди.. қани ярасам,
Тун бағрига сингиб кетдинг бир пасда.
Бу қандай сир, ахир, билолмадим ҳеч.

Хаёлларим энди беҳол.. паришон,
Қора тунга урар ғариб бошини...
Дилингга солинган залворли кишан.
Уриб очолмадим тоғнинг тошини.
Бу қандай сеҳр, ахир, билолмадим ҳеч.

Ёлғизим дегандим, ер билан кўкда,
Қизғандим, силаса сочларингни ел..
Қуш каби қуладим рашк отган ўқдан,
Энг сўнгги тилагин айтиб қолсин, кел,
Бу қандай қаҳр, ахир, билолмадим ҳеч.

Кечагина эди дил-дилга пайванд,
Нурли боқар эди меҳр кўзлари.
Бугун-чи... Карахтмиз бу ҳолдин гарчанд,
Бегуноҳ совчимиз қалбда музлади.
Бу не тақдир, ахир... билолмадим ҳеч.

## Сени турибман эслаб

Бугун хазонларни сен эмас, сизлаб,
Ширин хаёллардан эртаклар сўзлаб.
Сарғайган барглардан яшил ранг излаб,
Қалб торин ипларин ўзимча созлаб –
Сени... турибман эслаб!..

Тушга кириб гоҳо сўрамай- нетмай,
Қолардинг қўл чўзсам, етибми етмай.
Тушларимда яшардинг узоққа кетмай,
Нима қилай турса юрак унутмай!
Сени... турибман эслаб!..

Ўша чирой – ўша... қарашлар – ўша!
Ўтиб кетган бизни ҳар ёнга бошлаб,
Ортда қолган йўлга нигоҳим ташлаб,
Бериб қўйган ўша... юрагинг ушлаб –
Сени... турибман эслаб!..

Майли юравергин мендан йироқлаб,
Мен эса тургумдир сени сўроқлаб.
Сен билган ҳуу ўша Мажнундай “оҳ”лаб,
Сенинг содиқлигинг ўзимча оқлаб.
Сени... турибман эслаб!..





## Куз ёмғири

Қора булут солган ерга соясин,
Паришон учмоқда боғда хазонлар.
Тарк этмас қушлар ҳам иссиқ уясин,
Куз... ёш тўкмоқда бугун азонлаб.

Телбадай изғийди хаёл ҳам бу кез,
Сира ололмайсан уни тизгинлаб.
Кел... сен ҳам мени аямагил, эз!
Куз... ёш тўкмоқда бугун азонлаб.

Ёғаётган недир айтинг-чи ўзи,
Не қўйга солмоқда дилни азоблаб.
Тинай демас ҳамон шашқатор кўзи,
Куз... ёш тўкмоқда бугун азонлаб.

Мен учун ғам бўлса, кимга оғири?
Эй кўнгил, чидагил,бари яхшидир.
Бу – балки, шунчаки кузнинг ёмғири,
Бу балким, кимнингдир севинч ёшидир!



## Баҳор

Қуёш нур сочмоқда... ёқимли бирам,
Кенг хона кўнгилга келиб қолди тор.
Силкиниб кетади тувакда гул ҳам,
Мўралаб турибди эшикдан Баҳор!

Мовий кўкни қучар парқу булутлар,
Чўмилар ёмғирда дову дарахтлар.
Осмонни тўлдирар сўнгра-чи қушлар,
Қанот ёзибди-да осмонда Баҳор!

Жонланиб кетади синиб ётган чўп,
Олгил-да, қадагил – зумда кўкарар.
Тушида барг ёзиб гуллаганмиш хўп,
Жилмайиб турганмиш қошида Баҳор!

Эса бошлар тоғдан шўх майин еллар,
Чўққига йўл олар тоғлардаги қор.
Қиру адирларда бир ўзгариш бор,
Бу сирни билади биргина Баҳор.

Изғирин, аёз ҳам келолмайди бас,
Бойчечак – қадамда, гуллар ҳам бисёр.
Тергинг келар барин... кўзларинг қиймас,
Тоғларни қоралаб ўтибди Баҳор.

Боғларда бошланар сирли жонланиш,
Пичирлар тебраниб гулгун ғунчалар.
Азондан қушлар ҳам бошлайди хониш,
Боғларни оралаб ўтибди баҳор.

Баҳор, йўқлаб боргил энди Соғинчни,
Сўнг орзуларинг мўл-кўл қилгин-да,
Эгасидан олиб аввал суюнчи,
Кейин кириб келгил кулиб кўнгилга.





## Орзу

Сувда қалқиб борар олтин ранг япроқ,
Узолмайин сира Қуёшдан кўзин.
Униб-ўсган жойдан узоқлашар, оҳ..!
Тақдирнинг ҳукмига топшириб ўзин!

У ҳамон оқмоқда сувда қалқиб нақ,
Билмас лекин нечун, нега, қаёққа?
Қани энди етса заминга шу чоқ,
Бошин қўяр эди азиз тупроққа!

## Бўлар энди...

Қорни отиб дуч келган ёққа,
Қаддин ростлар яшил майса-да.
Хўл сочларин ҳуу… кунчувоққа,
Бўлар энди... секин ёйса-да!

Эса бошлар баҳор еллари,
Қулоқ тутсанг – тушин айтса-да.
Шу осмонни тўлдириб пари,
Бўлар энди... қушлар қайтса-да!

Вужудига инди-ку бир тафт,
Гарчи замин мудраб ётса-да.
Яшил тусли қирлар ишқар кафт,
Бўлар энди... гуллаб кетса-да!

## Раҳми келиб...

Қорни кечиб бормоқда ёлғиз,
Совуқданми... дийдираган тун.
Борадиган жойи йўқ, афсус,
Усти эса жудаям юпун.

Деразадан мўралар илинж,
Раҳми келиб бечора тунга.
Етаклайди уни шошилинч,
Қуёш томон, ҳуу оппоқ тонгга!

## Қор хат

Сирли жилоланар тун оғушида,
Тинмай ёғаётган оппоқ қор – ана!
Ширин туш кўрмоқда ноз уйқусида,
Шу уйда мен суйган бир санамгина!

Учиб бориб шу чоғ жўшқин ҳисларим,
Секин қўниб олар қор парчасига.
Самода қолдирмай ҳатто изларин,
Ўзларин урдилар уй дарчасига.

Мен эса бузмайин ширин уйқусин,
Термулиб тўймадим ойдек юзига.
Кетар чоғи босиб ойнакка кўксим,
Ўқир деб хат ёздим ойнак кўзига:

- Соғиниб қоламан кетайин десам,
Кетмай десам, сира кўнгил тўлмаса.
Ором олар дилим ёнингга келсам,
Тушингда бир жилмай жуда бўлмаса!..





## Қиз жанги

*(Оққўрғон туманининг Элтамғали қишлоғида жойлашган тепалик ҳақида ривоят)*

Бу тепалик – юксак, росмана,
Элда юрар қизиқ  афсона:

Қадам қўйсанг тупроғига гар,
Нола чекиб зорланиб йиғлар...

Оромини бузма... бу жойлар
Хоҳласа гар тарихин сўйлар.

Бунда ётган уюм-уюм тош,
Бир вақт ёнган мисоли оташ.

Гир айлана сув тўла ҳандақ,
Ўтиб бўлмас тўсиқ эди нақ!

Тепаликда қурилган сарой
Бир қиз унга бағишлар чирой.

У ҳам бўлса – шу  юртнинг  лаъли,
Ўн саккизга кирган ҳилоли.

Унга ҳамроҳ қирқ гўзал пари,
Гўзалликда ҳур эди – бари...

Кўшк этаги қирга туташган –
Бир боғ эди, ақл ҳам шошган.

Сўрамасдан бу боғга кирмас –
Қўриқчилар – ҳатто кўринмас.

Бузолмаслар қирқ қиз оромин,
Ўйин тушса нози, ҳиромин.

Эшитган бор жаннат шунда дер,
Эшитгач-чи кўриш ғамин ер.

Маликанинг ойдай жамоли,
Сарв қадди, етук камоли.

Достон бўлди етти иқлимда,
Йўқотган бор хуш-у ақлинда.

Тинмас эди совчилари ҳам,
Чин ошиғу... довчилари ҳам.

Малика-чи, ҳечам бўш келмас,
Бу кўнглига бири мос эмас!

У кутарди ҳамон тенгини,
Йиғиб маҳкам этак, енгини...

Ёв босди-ку юртин тўсатдан,
Фойдаланиб қулай фурсатдан.

Бор лашкарин тўплаганча шоҳ,
Кетган эди сафарга бу чоғ.

Қолган эди озроқ соқчилар.
Жанг бошланди, тенг эмас кучлар.

Қурол олди қўлига халқ ҳам,
Биз билан деб, адолат, ҳақ ҳам.





Дубулға-ю совутин бека,
Сочин боғлаб кийди малика,

Кўринг энди ўша шоҳ қизин,
Ёвга урди қуюндай ўзин.

Қолишмасди қирқ қиз ҳам ундан,
Қиличларин суғурди қиндан.

Жанг борарди кеча-ю кундуз,
Бўш келмасди оломон, қирқ қиз.

Қўлдан – қўлга ўтсада шаҳар,
Насиб этмас ҳеч кимга зафар.

Душман эса чекинай демас,
Мўл – кўл ўлжа ўйидан кетмас.

Ҳайрон эди аммо ўзлари,
Ишонмасди очкўз кўзлари.

Қўрғондаги бир ҳовуч одам,
Таслим бўлмас, руҳлари бардам.

Ўраб олди энди қамалга,
Оч қолишса тушар деб қўлга.

Маликачи шоҳ томон шунда,
Чопарини жўнатди тунда:

"Байн қилгил аҳволни шоҳга,
Қайтсин тезда бу қароргоҳга!"

Қамал эса этарди давом,
Азоб чекар шаҳар аҳли ҳам.

Зор бўлишди бир бурда нонга,
Ўлайлик - дер, яхшиси жангда.

Ёв юборди элчисин шунда,
“Шартга энди, малика кўнда,

Таслим бўлгил, қоларсан омон,
Озод бўлар барча оломон....

Сени эса олар никоҳга,
Ёр бўларсан ғолиб у шоҳга!”

Ғазабланган малика деди:
-Йўлга  тушгин, эй ёғий, энди,

Ор-номусни қўйма ўртага,
Жанг бошланар, билгил, эртага...

Чиқиб кетди отилиб элчи.
Заҳар – заққум ютгандай ичи.

Тонг ҳам отди базўр тўлғониб,
Икки ёқ ҳам турар тўпланиб.

Бир томонда адолат турар,
Бир томонда нафс деган беор!...

Ёй ясади қизлар сочидан,
Ўқ еган ёв тутдай сочилган.

Типирчилар эгасиз отлар,
Ёнаётир уй-у, работлар.





Сув ўрнига оқаётир қон,
Шаҳар аҳли бир тан-у, бир жон

“Ё ғалаба, ё ўлим”- дерлар,
Шаҳид бўлди девдайин шерлар!

Ёв чекинди ортига бирдан,
Шоҳ қўшини кўрингач қирдан.

Дарвозалар шунда очилди,
Чор атрофга шодлик сочилди.

Омон кўриб шоҳаншоҳ қизин,
Сўз бошлади ёшланиб кўзи:

-Балли, сенга, эй эрка қизим,
Тахтим сенга топширай, қўзим.

Шу элу юрт бўлар измингда,
Донолик ёр, билгум, ўзингда.

Ишончимни оқладинг, балли.
Юрагимда ғурур, тасалли!

Малика ҳам у тахтни олди,
“Қирқ қиз жанги” тарихда қолди!

Қалъа ўрни ҳозир ҳам бордир,
Қирқ қиз руҳи ҳамиша ёрдир.

Бу тепалик мангу турғуси,
Ёдга солиб Ватан туйғусин!

## ҚИРҚ ҚИЗ ДАРАСИ

Ақл шошар... қаранг бу тошга,
Ўхшар сулув... бир қаламқошга!...

Наригиси худди малика,
Қарашида... ваҳм- таҳлика!...

Бунда эса ҳурлар-бир талай...
Тизилишган бир ипга-дурдай!...

-Сўйла, эй тош, не бўлди бунда?
Дод... фарёд-у нола – ҳар тунда!...

-Кўрганларинг тош эмас, асло!
Рўё... ё бир туш эмас, асло!

Ёв босганди бу юртни бир пайт,
Ўлим эса куйлар эди байт.

Мард ва жасур эди подшоҳи,
Қўшинининг йўқдир саноғи.

Икки тараф келиб юзма-юз,
Савашдилар кеча-ю, кундуз!

Бир тарафда Ватаннинг шаъни,
Бир тарафнинг "талаш" билгани.

Не ботирлар бўлдилар шаҳид,
Кўксин қалқон этиб шер таҳлид.

Дарё бўлиб оқди қонлари,
Эл-юрт билар шуҳрат – шаънларин!





Қирқ-кеча-ю қирқ кундуз ўтди,
Душман қўли Аркгача етди.

Давом этар жанг эса ҳамон,
Курашмоқда қолгани омон.

Шунда туриб шоҳ чорлар қизин,
Меҳр билан ўпар ёлғизин.

Кўздан ёши оқар шашқатор,
Сўз бошлайди кўл ёзиб ночор:

-Балки сени кўрмасман энди,
Бу учрашув балки сўнггиси.

Арк остида қазилган хандақ,
Йўлга тушгил қизим, ҳозироқ.

Омон қолгин бахтимга, қизим!
Зурриётим! Бу сўнгги сўзим!...

Йўлга тушди қирқ қиз Моҳ билан,
Мен-чи... қолдим сеҳр... оҳ билан.

Кетай десам кўнмас юрагим,
Кимга энди... бўлгум керагим!

Асли кўнглим... у ёқда эди,
Шоҳнинг ўғли ўт ёққан эди.

Бир зум ўтмай келди қошимга,
Писанд қилмай... кўзда – ёшимга.

-Маликамиз... сендирсан,-деди.
-Жоним фидо, шаҳзодам...энди...
- Унда... ўзинг топгайсан уни,
- Қайда у Моҳ, билмасман чини.

-Унда айтгил, нечун қолдинг сен?
- Хаёлимни... нечун олдинг сен?!

-Бошла, қани топйлик изин,
-Унда бергил, ўзимга измим.

Билар эдим ер ости йўлин,
Мен танладим ўнг  эмас, сўлин.

Чиқиб келдим қамишзор жойга,
Туташганди чуқур бир жарга.

Тақдиримга шукрона айтдим.
"Омин" дея – ўзимни отдим.

Руҳим учди "оҳ" дея шунда,
Фарёд чеккум ҳар кеча тунда!..

Кейин билсам, улар ҳам ўзин,
Чоҳга отмиш юмиб кўзларин!

Очмиш бизга ҳарсанг тош бағрин,
Биз ҳам билдик унга сиғарин.

Бахти қаро ўша каниз – мен,
Фарёд чеккум ҳар кеч ҳануз мен!...





* * *

Фарёд чекар қирқ қиз, малика,
Кўзларида қўрқув таҳлика.

Кўз ёшлари булоқ бўб оқар,
Қирқ булоқдан ҳамон сув оқар.

Шифо тилар одамлар ундан,
Шифо топар кўплари чиндан!...

Элашарлар, бу ерга келган,
Қирқ қиз руҳи шод бўлсин дебон!

# Мундарижа

Қалбим наволари ................................................ 2
Иккинчи истеъдод................................................ 3
Баҳор келдими? ................................................ 4
Бойчечак ................................................ 6
Лолақиздалдоқ ................................................ 7
Парвона................................................ 8
Топганим сен эдинг... ................................................ 9
Яна баҳор келди.... ................................................ 10
Навоий................................................ 11
Аёл................................................ 12
Соғинч................................................ 13
Фақат сен... ................................................ 15
Наврўзи олам................................................ 16
Нега? ................................................ 17
Баҳор ташрифи................................................ 18
Дил билан суҳбат................................................ 19
Янги йил................................................ 20
Келдим сўргали... ................................................ 21
Саховат қилгин, ё... ................................................ 22
Тўртлик................................................ 22
Ақлим хайрон................................................ 23
Нетгайман................................................ 24
Кел малагим................................................ 25
Чақиргил................................................ 26
Хуш келибсан, эй Наврўзи олам!................................................ 27
Айтилган бир сўзинг................................................ 28
Армон................................................ 29
Тутай сенга................................................ 30
Соғиндим................................................ 31
Садоқат................................................ 32
Қизғалдоқлар................................................ 34
Кўнгил эса ................................................ 35
Элчи бўлақолсин ёғаёттан қор................................................ 36
Тўртликлар ................................................ 37
Айт қайдасан Кумушойим, Кумушой!................................................ 38
Дарё бўйидаги ўйлар................................................ 40





Она................................................ 41
Ватанида шону шухрат қучганлар................................................ 42
Дарё бўйида .. ................................................ 43
Ватан ҳақида қўшиқ................................................ 44
Сўнгги чироқ................................................ 45
Ёмғир................................................ 46
Эли ўкий кол................................................ 46
Ваъда ва ғурур................................................ 47
Сенсиз................................................ 47
Қиш ташрифи ................................................ 48
Орзу ................................................ 49
Сўнгги қўнғироқ ................................................ 51
Баҳор бошлаб берса йўл ................................................ 52
Хабар берди ................................................ 52
Наврўзи олам ................................................ 53
Йўл олди сув ................................................ 54
Бойчечак ................................................ 54
Шам ва қалам ................................................ 55
Фарзанд - онанинг бахти ................................................ 56
Кириб келди баҳорий насим ................................................ 57
Янги йил тонги................................................ 57
Ўзбекистон................................................ 58
Етиб келди куёшли кўклам ................................................ 59
Кўкламойнинг элчиси ................................................ 60
Меҳнаткаш куи ................................................ 60
Ўзбекистон ................................................ 61
Ё бахтга эришар... ё................................................ 62
Тугамас куй - у ................................................ 62
Кўнглидаги гўзалга ................................................ 63
"Кутганман..." демагил фақат ................................................ 64
Садоқатга туради чорлаб................................................ 65
Мен ахир бир чимдим меҳр гадоси ................................................ 66
Бу не тақдир... ................................................ 67
Сени турибман эслаб ................................................ 68
Кўз ёшлари ................................................ 69
Баҳор ................................................ 70
Орзу ................................................ 71
Булар зилол................................................ 71

**Раҳми келиб** ........ 72
**Қор хат** ........ 72
**Қиз жанги** ........ 73
**Қирқ қиз дараси** ........ 78





**Оммабоп нашр**

Абдусамад Гулбоев

“Қалбим наволари”

Шеърий тўплам

Муҳаррир: Таълат Пиримов.
Дизайнер: Абдумутал Абдуқодиров.
Матн терувчи: Дилафрўз Абдуқодирова.
Саҳифаловчи: Баҳодир Аширов.

Нашриёт лицензияси II №193. 10.05.2011 йил
Босишга рухсат этилди 30 апрел 2018 йил
Бичими 70x80 $^{1}/_{16}$
Шартли босма табоғи 4,5
Нашр табоғи 4,2
Адади: 1000 Буюртма № 85
"Наврўз" нашриётида нашрга тайёрланди.
Манзил:
Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 30- уй.

"TYPE LIPE" хусусий корхонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри Жангоҳ мавзеси 1-уй.